

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Учқўрғон шахри

2023 йил 19 июль

Учқўрғон туманлараро иқтисодий суди судьяси О.А.Садиқов раислигида, судья ёрдамчиси С.Боқиеванинг суд мажлиси котиблигида, аризачи вакили –З.Т (06.01.2023 йилдаги 01-00184-сонли ишончнома асосида) иштирокида, жавобгар иштирокисиз, аризачи – ----- туман Давлат солиқ инспекциясининг, жавобгар - ----- масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича юритилган иқтисодий ишни, Учқўрғон туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

аризада баён этилишича, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 82-моддасига асосан, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши белгиланган. ----- -- масъулияти чекланган жамияти(бундан буён жавобгар) томонидан 2023 йил февраль ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатида солиқ органига тақдим этилмаган. ----- туман Давлат солиқ инспекцияси (бундан буён аризачи) иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризадаги талабни қувватлаб уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда хабардор этилган бўлсада, суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси(бундан кейинги матнда Ўзбекистон Республикаси ИПК)нинг 220-моддасига кўра, суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Мазкур ҳолатда суд ишни Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 220-моддасига асосан, жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд ишдаги тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, қўйидаги асосларга кўра, аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар умумбелгиланган солиқларни тўловчиси сифатида ҳудудий давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтган бўлиб, тегишли солиқ ҳисоботини белгиланган муддатга қадар солиқ органига тақдим этмаган. Шунга кўра, даъвогар томонидан жавобгарнинг хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисоб - рақами бўйича операциялар 10 кунлик муддатга тўхтатилган.

Жавобгарга солиқ ҳисоботини белгиланган тартибда топшириш лозимлиги ҳамда мазкур талаблар бажарилмаслиги оқибатлари ҳақида хабарнома юборилган бўлсада,



жавобгар томонидан мазкур хабарнома талаблари 10 кундан кўпроқ муддат ичида эътиборсиз қолдирилганлиги боис, аризачи иқтисодий судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 82-моддасига асосан, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 273-моддасида Солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт деб белгиланган.

Мазкур кодекснинг 111-моддаси 1-қисмига кўра, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Бундан кўринадики, аризачининг талаби асосли ва уни қаноатлантириш лозим.

Баён этилганларга кўра, суд, аризани тўлиқ қаноатлантиришни, мазкур тоифадаги ишларни кўришда ҳар икки тараф ҳам давлат божини тўлашдан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божи ундирмасликни, тўланган 33 000 сўм суд-почта харажатларини жавобгардан аризачи фойдасига ундиришликни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 215-222-моддаларига асосан, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

----- масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларнинг(солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари) чиқиш қисми тўхтатиб қўйилсин.

Аризада кўрсатилган камчиликлар бартараф қилингандан сўнг жавобгарнинг ҳисоб-варақлари бўйича операциялар тиклансин.

----- масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобидан аризачи ----- туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига тўланган 33 000 сўм суд-почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, тўланган суд-почта харажатларини ундириш юзасидан ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф ушбу ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида Наманган вилоят судига апелляция шикоят (протести) бериши мумкин.

Судья

О.А.Садиков

